# Ушбу сонда:

Алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган факултет 3

ТV ДАСТУРЛАР 5-6



Туҳмат балосидан асрасин! 8


# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz xabar@uzpak.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2005-yil, 15-aprel, 15 (656)-son Sotuvda narxi erkin


## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦ ***Матбуотда "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда "2005 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди.***

♦ *Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида мамлакатимиздаги этнодемографик жараёнлар ва уни тадқиқ этиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда республикамиз олимлари ҳамда Россия, Германия, Туркия, Қозоғистон ва Грузиядан келган мутахассислар иштирок этдилар.*

♦ ***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган "Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.***

♦ *Республика Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан ташкиллаштирилган саноатчилар ва тадбиркорлар форумида пойтахт иқтисодиётининг бугунги салоҳиятига баҳо берилди.*

♦ ***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда адлия идораларининг 2004 йилда ҳамда жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширган ишлари таҳлил этилиб, галдаги вазифалари белгилаб олинди.***

# Ҳудудий бошқарма янги жойда

**Мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини жаҳон андозалари даражасида ривожлантиришда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳудудий бошқармалари зиммасига масъулиятли вазифалар юкланган. Агентликнинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси раҳбарияти ва мутахассислари буни теран англаган ҳолда самарали меҳнат қилишяпти. Бошқарма жамоаси вилоятдаги барча алоқа корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида кенг қўламдаги тадбирларни амалга оширяпти. Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли ташкилотлар билан узвий ҳамкорликда иш олиб борилаётганлиги ҳам кутилган натижаларни бераётир.**




**Яқинда** бошқарма жамоаси ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Навоий шаҳрида жойлашган Алоқа уйидаги АТС биноси қайта таъмирланиб, бошқарма учун иш хоналари, мажлислар зали, кенг, шинам холл бунёд этилди. Ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган кенг ва ёруғ, энг замонавий телекоммуникация воситалари билан жиҳозланган бинога бошқарманинг барча бўлимлари, шунингдек, вилоят Давлат алоқа инспекцияси, Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг марказининг вилоят бўлими ҳам жойлашди.

Таъмирланган бинонинг очилишига бағишланган йиғилишда Навоий вилояти ҳокими Баҳриддин Рўзиев, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Абдуфарид Сувонов, вилоят алоқа корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари, Бухоро вилоятидан келган меҳмонлар иштирок этишди.

— Замонавий бинонинг қисқа муддатда, юқори сифатда фойдаланишга топширилишида Агентлик раҳбариятининг доимий эътибори ва ғамхўрлиги сезилиб турди, — дейди Агентликнинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Йўлдошмурот Жўлиев. — Энди кўпгина алоқа ташкилотлари бир жойга жамланишди. Бу эса вилоятда алоқа соҳасини ривожлантиришни янада жадаллаштиришга ёрдам беради.

Бошқарма ўзининг маҳаллий компютерлар тармоғига ҳам эга бўлди. Мажлислар залида видеоанжуманлар ўтказиш учун зарур қурилмалар ўрнатилиб, такомиллаштирилмоқда. Буларнинг барчаси вилоятда алоқа соҳаси тараққиётини янги босқичга кўтаришда қўл келиши аниқ.

***Олим ХЎЖАЕВ,***
***жамоатчи мухбиримиз***

MUNOSABAT

# Ўз ўрни бор

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармасида оммавий ахборот воситалари билан ишлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Бошқарма бошлиғи Мажид Қодиров соҳа ходимларининг тажриба ва маҳоратларини оширишларида, маънавий эҳтиёжларини қондиришларида матбуот катта манбаа эканлигини таъкидлади. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан шу йил 7 февралда бўлган йиғилишдаги маърузаларида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан ходимларнинг масъулиятига, билим даражаси ва дунёқарашига боғлиқлигини ҳам уқтириб ўтди.***

**Йиғилиш** қатнашчиларининг кўпчилиги оммавий ахборот воситаларига ўз муносабатларини холисона билдиришди. Ўзлари учун қадрдон бўлиб қолган «Xabar» газетаси ҳақида ҳам сўз юритишди.

— Ҳар қандай газета ўзининг қиёфасига эга бўлиши керак, — деди ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосари Тоҳиржон Нуриддинов. — Шу маънода олиб қаралганда, бу газета кейинги пайтда анча ўзгарди, мазмунан бойиди ва қизиқарли чиқа бошлади. Андижонлик алоқачилар энг сўнгги янгиликларни, фан-техника тараққиётидаги илғор тажрибаларни ўз номига монанд бўлган ана шу нашрдан топа оляптилар.

«Андижон Телеком» филиалининг бир ярим мингдан ортиқ ишчи-мутахассислари орасида бундай фикрларни эшитиш тасодиф эмас. Йиғилишда сўзга чиққан мутахассис Камолиддин Қамбариддинов "Xabar"нинг ҳар бир ходими изланиб, тер тўкканлиги, муассис ўз нашрини қўллаб-қувватлаганлиги туфайли у севимли газеталарнинг бирига айланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади.

— Инсон зоти азиз ҳисобланади, — деди филиал директори ўринбосари Ҳасанбой Патидинов. — Унинг ҳар бир куни, ҳар бир соати ғанимат. Ана шуни ҳисобга олган «Xabar»чилар газета саҳифаларида соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўшган устозларимизга ҳам кенг ўрин ажратаётганлиги мени қувонтиради. Тошкент ахборот технологиялари университетининг 50 йиллиги ва Тошкент телеминораси ишга туширилганлигининг 20 йиллигига бағишлаб берилаётган мақолаларни диққат билан ўқиб боряпман. Улар мудроқ хотираларимни уйғотиб юборди, узоқ-яқин дўстларим, касбдошларим бирма-бир хаёлимдан ўтди. Айрим мақолалардан нусха кўчириб, сақлаш учун олиб қўйдим. Газетанинг тарбиявий кучи шундай бўлади...


***(Давоми 2-бетда.)***



uzpak Бизнинг Интернет ҳамкоримиз

TATUning 50 YILLIGI OLDIDAN

# Алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган факултет

***Республикамиз мустақилликка эришгач, қисқа вақт ичида Қуролли Кучлар сафига алоқачи-офицер кадрларни тайёрлаб бериш долзарб вазифага айланди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил, 12 февралдаги Фармонига асосан Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ)да Махсус факултет ташкил этилди.***

**Факултет** ҳар йили 12 февральни "Қисм куни" сифатида нишонлайди. Унинг биринчи бошлиғи этиб захирадаги майор (ҳозирда подполковник), техника фанлари номзоди, доцент Т.Қўчқоров тайинланди. 1994-1996 йилларда эса факултетда физика-математика фанлари номзоди, подполковник А.Аминов бошлиқ вазифасида хизмат қилди.

Алоқа соҳаси бўйича ҳарбий ўқитувчиларнинг етишмаслиги сабабли, Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан захирадаги ўқитувчи ва мутахассис офицерлар кўнгиллилар сифатида ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилдилар ва улар факултетнинг асосий негизини ташкил қилдилар. Булар сафида техника фанлари номзодлари, доцентлар — Х.Соатов, М.Жалилов, А.Негриенко, А.Эшмуродов, А.Тўлаганов, В.Зокиров, Р.Холиқов, С.Порсиевлар бўлиб, улар кафедра бошлиғи, катта ўқитувчиси, ўқув ишлари бўйича бошлиқ ўринбосарлари лавозимларида ишлаб, полковник, подполковник ҳарбий даражаларига эришдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил, 13 майдаги қарори асосида "Махсус факултет ҳақида"ги Низом тасдиқланди. Унга биноан факултетнинг 1 ва 2-босқич талабалари олий ўқув юрти талабалари ҳисобланадилар, 3-босқичга ўтганларидан кейин ҳарбий қасамёд қабул қилиб, курсантликка ўтказиладилар ва Мудофаа вазирлиги таъминотига ўтадилар. Бу ерда ўқиш муддати 5 йил қилиб белгиланган.

Дастлаб алоқачи-офицер кадрлар тайёрлашни тезлаштириш мақсадида бир вақтнинг ўзида учта курсдан иборат курсантлар таркиби тузилди. ТАТУнинг юқори босқич талабалари ўртасидаги танловдан муваффақиятли ўтганлар Махсус факултетнинг 3, 4 ва 5-босқичларига ўтказилдилар.

1994 йили илк бор Махсус факултет ТАТУнинг қабул ҳайъати билан биргаликда 1-босқичга тест синовлари асосида талабалар қабул қилди. 3, 4 ва 5-босқич курсантлари учун бир, икки ва уч йиллик ўқув режалари ҳамда дастурлари ишлаб чиқилди. Чунки 1994 йилнинг июн ойида алоқачи-офицер кадрлар факултетни битириб чиқишлари ва Мудофаа вазирининг буйруғига кўра республикамизнинг барча қўшинларига ҳарбий хизматга юборилишлари керак эди.



1994 йилнинг ёзида ушбу факултетни биринчи қалдирғочлар — 45 нафар алоқачи-офицер тамомлади. Битирув тадбири Мудофаа вазирлигининг офицерлари ва ТАТУ ректорати, профессор-ўқитувчилари ҳамда ота-оналар иштирокида тантанали равишда ўтказилди. Ҳар бир битирувчига олий маълумот ҳақидаги диплом топширилиб, лейтенант унвони берилди ва улар ҳарбий қисмларга жўнатилди. Факултетда ҳозиргача 600 нафар алоқачи-офицер тайёрланди. Улардан ўттиз нафари имтиёзли диплом олди.

1998 йилнинг сентябр ойида Махсус факултет ўқув йилини янги бинода бошлади. Ўша йилнинг октябр ойида факултетга полковник Б.Раҳиммирзаев бошлиқ этиб тайинланди. У катта ҳарбий тажрибага эга бўлиб, ўқув жараёнини яхши биладиган, ҳарбий олий ўқув юртида кўп йиллар хизмат қилган офицер сифатида танилган эди. Б.Раҳиммирзаев биринчи кунларданоқ факултет ўқув-моддий базасини янада мустаҳкамлашга, ўқув ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга ўз куч-ғайратини сарфлади.

1999 йилнинг 12 августида Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент электротехника алоқа институтининг Махсус факултети базасида ҳаво ҳужумидан мудофаа зенит ракеталари ва радиотехника қўшинлари офицер-кадрлари тайёрлаш ҳақида"ги қарори чиқарилди. Унга асосан факултетнинг ташкилий штат тузилмаси тасдиқланди ва ҳозирги кунда бу ерда "Телекоммуникация", "Радиотехника" таълим йўналишлари бўйича 8та кафедра фаолият олиб бормокда.

Дала-ўқув машқларини ташкил этиш ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажариш мақсадида ҳамда Мудофаа вазирининг 2002 йил, 15 январдаги йўриқномаси асосида Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ўқув маркази ташкил этилди. Унинг икки қаватли техник бино, ўқув биноси ва хизмат хоналари бор. Ушбу марказ курсантларнинг назарий билимларини амалий машқлар билан мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмокда..

Кейинги йилларда факултетнинг ўқув-техник базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди. "Радиоалоқа" кафедрасининг капитал таъмирдан чиқарилган иккита ўқув синфига радиостанциялар ўрнатилди. Интернет тармоғига боғланиш имконини янада ошириш мақсадида факултетда замонавий компютерлар билан жиҳозланган махсус ўқув синфи ва шу асосда офицер кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш маркази иш бошлади.

"Махсус факултет ҳақида"ги Низомга асосан факултетнинг профессор-ўқитувчилари шахсий таркиби умумҳарбий, тактик, ҳарбий техника ва махсус фанлар бўйича ўқув машғулотларини олиб борадилар, булардан ташқари далага машқ ва махсус дарсларни, кириш ва давлат имтиҳонларини ташкиллаштирадилар, ҳарбий малака ошириш ва ишлаб чиқариш амалиётларига раҳбарлик қиладилар.

Факултетда қўшин хизмати Умумҳарбий Низомлар талабларига мос ҳолда Мудофаа вазирининг буйруқлари ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган Бош штаби кўрсатмалари асосида олиб борилади.

Факултетнинг шахсий таркиби ва университет профессор-ўқитувчилари ҳарбий таълимни ислоҳ қилиш тизимида фаол қатнашиб келмоқдалар. Шунга асосан Махсус факултет 2002-2003 ўқув йилидан ҳарбий ихтисослик йўналиши бўйича ҳарбий бакалаврларни, яъни ҳарбий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган командирларни тайёрлашга киришган.

"Телекоммуникация" ва "Радиотехника" таълим йўналишлари бўйича ўқув режалари ва таълим дастурлари Давлат таълим стандартлари асосида тузилган. Факултетни битирганларига олий маълумоти ҳақидаги диплом билан биргаликда ҳарбий мутахассисликлар номенклатурасига мос келувчи ҳарбий мутахассислик берилади.

Факултетда тарбиявий ишлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талаблари бўйича Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Мудофаа вазирининг буйруқ ҳамда йўриқномалари, факултет бошлиғининг буйруқлари асосида олиб борилади. Бу борадаги режалаштирилган ишлар Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети ректорати, маънавият ва маърифат ишлар бўлими билан доимий ҳамкорликда бажарилмоқда.

Махсус факултет 2001-2002, 2003-2004 ўқув йиллари якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг "Энг яхши олий ҳарбий ўқув маскани" деб топилганди. Факултет жамоаси "Кўчма кубок" ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳарбий кенгашининг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланган.

***Омон АБДУАЗИЗОВ,***
***ТАТУ доценти, техника фанлари номзоди***

FAXRIYLAR-FAXRIMIZ

# Доимо тетик ва бардам



***Қашқадарёда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тобора ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Албатта, ҳозирги натижаларга эришилгунга қадар ўтган йиллар мобайнида жуда кўп меҳнат қилинди. Соҳа ривожига ўз ҳиссасини қўшганлар сафида "Қашқадарё Телеком" филиалининг етакчи мутахассиси, жонкуяр мураббий, воҳа алоқачиларининг фахри Турсун Мухторов ҳам бор.***

**Вилоятда** Турсун акани танимайдиган алоқачи йўқ ҳисоби. Чунки у турли вазифаларда, айниқса, қурилиш соҳасида ишлаган даврида кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этди, кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Турсун Мухторов фаолиятини 1959 йили Қарши шаҳридаги 164-трестда оддий ишчиликдан бошлади. Ўша йилнинг ноябр ойида армияга чақирилди ва Иваново шаҳрида йигитлик бурчини ўтади. Хизматдан сўнг бир ярим йил мобайнида Қарши шаҳар алоқа боғламасида почтачилик қилди. Сўнгра, 1962—1968 йиллари, Тошкент электротехника алоқа институтида ўқиди. Қарши шаҳар алоқа тармоғида катта муҳандис вазифасида ишлаб юрган чоғларида Т.Мухторов яна ҳарбий хизматга жалб этилди ва 1971 йилнинг ниҳоясига қадар Кострома шаҳрида ҳарбий қисм офицери сифатида хизмат қилди. 1972 йили жонажон юртига қайтган Турсун ака Қашқадарё вилояти алоқа бошқармасида муҳандис, катта муҳандис вазифаларида ишлади.

У Қашқадарё вилояти алоқа бошқармаси бошлиғининг қурилиш бўйича ўринбосари вазифасида ишлаган йилларда вилоятнинг Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги алоқа уйлари ва 2000 рақамли АТСларни ишга тушириш, Қарши-Ғузор-Қамаши-Шаҳрисабз, Қарши-Бешкент-Усмон Юсупов ҳамда Қарши-Косон-Муборак йўналишлари бўйича кабеллар ёткизиш ишларига раҳбарлик қилди.

1982-1984 йилларда Т.Мухторов Қарши шаҳар алоқа тармоғини бошқарди. Бу йилларда тўрт рақамли телефонлар беш рақамлисига ўтказилди. Шаҳардаги 5-АТС ўша пайтдаги энг замонавий ускуналар билан қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Касбида янги алоқа уйининг бунёд этилиши ҳам Т.Мухторовнинг мазкур туман алоқа тармоғини бошқарган йилларга тўғри келди.

Бир йилдан зиёд Жиззах вилояти алоқа бошқармасининг бош муҳандиси бўлиб ишлаган Т.Мухторов 1986 йилнинг июн ойидан яна Қашқадарё вилояти алоқа бошқармасида қурилиш бўйича бошлиқ ўринбосари вазифасида фаолият юрита бошлади. Бу даврда Қарши шаҳрида алоқа уйи, 10000 рақамли шаҳарлараро АТС, Муборак шаҳрида, Усмон Юсупов ва Чироқчи туманларида алоқа уйлари ва АТСлар, Яккабоғ ва Косонда алоқа уйлари, Қарши туманида янги АТС барпо этилди. Бу ишларнинг барчасида Турсун аканинг ҳиссаси бор. У кераклы жиҳозлар, кабелларни келтириш учун хизмат сафарлари билан собиқ Иттифоқнинг Москва, Ленинград, Свердловск, Рига, Киев, Тбилиси, Псков, Одесса, Запороже, Курск сингари шаҳарларида бўлди.

Изланувчан алоқачининг самарали меҳнатлари безътибор қолмади. У бир неча бор вилоят ҳокимлиги ва "Ўзбектелеком" АКнинг "Фахрий ёрлиқ"лари билан тақдирланган.

Инсон боласи ниятларини амалга ошириш учун тинимсиз изланса, илм ўрганса, яхши кишиларга шогирд тушса, муродига етмай қолмас экан. Турсун Мухторов устозлари — Т.Тўхтаев, К.Раҳимов, А.Тоғайалиев ва А.Зайнитдиновларнинг йўриқларига амал қилиб, кам бўлмаганини, улардан чексиз миннатдорлигини таъкидлайди. Шу билан бирга бугунги кунда унинг вилоят алоқа соҳасидаги масъулиятли лавозимларда ишлаб келаётган — С.Каримов, У.Воҳидов, Ж.Бозоров, И.Бурҳонов каби шогирдлари бор.

Халқнинг дуосини олган Турсун ака кам бўлмади. Яхшигина оилага бош бўлиб, уч ўғил, икки қизни вояга етказди, уларни уйли-жойли қилди. 2002 йил унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Унга ҳар бир мусулмон фарзанди учун фарз амаллардан саналган Ҳаж зиёратида бўлиш насиб этди.

Турсун ҳожи Мухторов 65 баҳорни қаршилаганига қарамай, ҳамон тетик ва бардам, ёшларга маслаҳатлар беришдан чарчамайди. Шунинг баробарида ҳамон воҳада янги алоқа ускуналари ўрнатиш, АТСлар қуришда фаол иштирок этаётир.

***Собит АҲАДОВ,***
***"Xabar" мухбири***

# Почему возникают жалобы?

***Анализ жалоб, поступивших в Государственную инспекцию связи в 2004 году показал, что причиной их возникновения в основном является халатное отношение ответственных работников на местах к своим служебным обязанностям. А может не только это?***

***Давайте попробуем разобраться в сути. Первое должностное лицо, с кем сталкивается абонент - это линейный инженер. Именно ему «несёт» абонент свои претензии, боль, обиду на несвоевременное восстановление работы телефона или обращается, чтобы просто дать заявку, не дозвонившись в бюро ремонта. Почему же линейные инженеры АТС стараются не записать обращение абонента в книгу регистрации, а затем передать в бюро ремонта или кросс для учёта, если абонент обратился с заявлением в первый раз, или как жалобу, если абонент обращается неоднократно?***

**Согласно** «Инструкции о порядке учёта заявлений о повреждениях и устранении повреждений на городских и сельских телефонных сетях» «Заявлением о повреждении считается каждое сообщение о неисправности телефонной связи по телефону, устно или письменно поступившее от пользователей услуг телекоммуникаций». Именно с фактом нерегистрации обращений линейным инженером мы столкнулись при рассмотрении жалобы Т.С.Каптиевой. При личной беседе с ней выяснилось, что она в январе месяце была у линейного инженера АТС-42 и в устной форме изложила свою просьбу о ремонте своего телефона. Линейный инженер заверил абонента в том, что работа телефона будет восстановлена в этот же день. Но обещания своего он не выполнил. Проверка же книги регистрации жалоб не дала результатов, так как обращение абонента в январе в ней не было записано.

Аналогичные факты выявлены при рассмотрении жалоб жителей коллективного хозяйства «Хакикат» Яккабагского района Кашкадарьинской области, жалобы Т.Парциной из г.Алмалык Ташкентской области, жителя Самарканда Л.Ярыгиной, Н.Абдусаидова из Джизакской области, Д.Балтабаева и Т.Каримовой из Ташкента.

Почему же так поступают линейные инженеры? Может быть, причиной всему является стремление любыми путями выполнить требования приказа Узбекского агентства связи и информатизации от 22 января 2001 года № 29 «О совершенствовании системы показателей и нормативов качества продукции почты и телекоммуникаций», где в разделах 4, 5 чётко определены показатели качества работы городской и сельской телефонной сети. И, конечно же, норматив на «количество заявлений, в том числе повторных» будет сильно отличаться от действительного количества заявлений, подаваемых абонентами линейному инженеру АТС по телефону.

Только при выполнении показателей качества и при их улучшении работники, предоставляющие услуги местной телефонной связи, могут рассчитывать на материальное вознаграждение.

«На дворе» давно рыночные отношения. А подход к начислению материального вознаграждения работников всё ещё ведётся по старинке. В результате руководители предприятий всеми правдами и неправдами стараются выполнить установленные показатели качества, в тоже время не задумываясь о самом качестве предоставляемых услуг.

Государственная инспекция связи по итогам рассмотрения жалоб и в целях устранения выявленных недостатков выдаёт предписания по их устранению. К сожалению, они не рассматриваются как подсказка в каком направлении надо работать, а воспринимаются как «пожар», который необходимо «потушить» в данном месте, к определённому сроку. Так, в предписаниях, направленных в филиалы «ТШТТ», «Самарканд Телеком», «Ташкент Телеком» АК «Узбектелеком» неоднократно указывалось на ошибки при ведении первичного учёта, а именно на заполнение абонентских карточек ТФ-2/2 с нарушением требований нормативных документов. Однако при рассмотрении вновь поступающих жалоб в Государственную инспекцию связи выясняется, что эта проблема всё ещё существует.

Неправильное ведение первичного учёта ведёт также к недостоверности показателей качества, искажению отчётов, невозможности правильно произвести перерасчёт абоненту за неработающие дни телефона.

Таким образом, кроме объективных причин возникновения жалоб, немаловажную роль играют и вышеуказанные субъективные причины (человеческий фактор) не требующие ни дополнительных материальных затрат, ни какой-либо дополнительной продукции.

Анализ рассмотренных жалоб показывает, что большинство из них возникает в результате элементарного невнимания к нуждам абонентов, проявления грубости, некачественного выполнения должностных обязанностей на местах.

Большая часть этих недостатков вполне устранима. И если на местах будут относиться с большим вниманием к обращениям потребителя, выявлять причину появления данной жалобы и проводить работу по предотвращению этих недостатков в других местах, то количество обращений значительно уменьшится.

***Галина ПОЛУБИЧЕНКО,***
***инженер 1ой категории***
***отдела санкций***
***и работы с жалобами ГИС***

*Корея:*

## Вещание в DMB-формате

**Корейская** комиссия по радиовещанию утвердила шесть компаний, уполномоченных предоставлять услуги телевещания в рамках национальной DMB-сети. Избранными компаниями стали KBS, MBC, SBS, YTN, CBS и консорциум небольших компаний. Как минимум две из трех компаний (KBS, MBC, SBS) развернут свой DMB-сервис уже в мае нынешнего года. Остальные присоединятся к ним в течение 2005 года.



Ожидается, что все шесть компаний будут осуществлять бесплатную трансляцию шести видеоканалов, 18 радиостанций на территории Сеула, Инчхона и провинции Кионгги. Остальные области страны получат доступ к DMB-сервису в следующем году.

Желающим пользоваться услугами компаний, ведущих трансляцию в формате DMB, необходимо приобрести мобильные телефоны, функциональные возможности которых позволяют принимать сигналы DMB-сетей. Samsung Electronics и LG уже в мае выпустят такие мобильники, цена на них будет варьироваться от $590 до $890. В июне свою альтернативу представит и компания Pantech.

В отличие от наземного DMB-телерадиовещания спутниковая версия будет предоставляться на подписной основе. Цена на подключение составит порядка $20, а ежемесячный платеж не будет превышать $13.

*Киргизия:*

## Сотовики пострадали от мародеров

**Как сообщает** корреспондент CNews, в результате революционного переворота, смены власти и царившего несколько дней в столице Киргизии мародерства пострадали 2 ведущих сотовых оператора страны - "Бител" (GSM) и "Фонекс" (CDMA).

В ночь с 24 на 25 марта из здания "Бител" были вынесены компьютеры, оргтехника, мебель, личные вещи сотрудников и многое другое; 4-этажное здание компании частично разрушено: выбиты стекла, демонтированы кондиционеры, была даже предпринята попытка поджога. "Сердце" компании - уникальный в Центральной Азии серверный центр, построенный на базе кластерного оборудования Sun Microsystems, уцелел, процесс биллинга и предоставления услуг не пострадал. Объем прямого ущерба, причиненного компании "Бител", оценивается в $500 тыс.

В результате нападения на компанию "Фонекс" также были украдены компьютеры, офисная техника, мобильные терминалы, карты предоплаты, документация и многое другое. Прямой ущерб, причиненный компании "Фонекс", оценивается в $50 тыс.

Разбойное нападение не повлияло на работу операторов, они продолжают предоставлять услуги в прежнем режиме. По факту грабежей обеих компаний возбуждены уголовные дела. Третий киргизский сотовый оператор - СП "Кател" - не пострадал.

## Мобильный рынок двигается в сторону слайдеров

**Руководствуясь** советами аналитиков, компания Samsung будет уделять большее внимание телефонам, выполненным в слайд-дизайне, сообщает Telecoms Korea. Согласно исследованиям CJ Investment&Securites, позиции слайдер-телефонов стремительно растут, особенно в секторе GSM-аппаратов, составляющих 70% продаж компании. Так, около 32% из 19 моделей,




МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

которые планируются к выпуску в этом году начиная со второго квартала, составят именно слайдеры.

Такие телефоны имеют только один ЖК-дисплей и требуют меньше металлических частей, что снижает общие затраты. Кроме этого, в компании сообщили, что 68% новых телефонов Samsung поддерживают Bluetooth.

## ПО для борьбы с хакерами

**Восемьдесят** крупных сетевых телекоммуникационных компаний-операторов перешли на программное обеспечение, позволяющее определять и блокировать сетевые атаки автоматически.



Интеллектуальная сенсорная система создает цифровые идентификаторы ("отпечатки пальцев") входящих событий, о которых сообщается каждой подключенной к ней сети. Эксперты операторов полагают, что это поможет прослеживать источники атак. Собранные данные будут передаваться полиции, чтобы помочь находить хакеров.

В число фирм, подключенных к интеллектуальной сенсорной системе, входят Asia Netcom, Bell Canada , BT, Energis, Deustsche Telekom, EarthLink, ITC DeltaCom, MCI, Merit Network, NTT, ThePlanet, Verizon Dominicana, WilTel Communications и др. Посредником в создании системы цифровых идентификаторов выступила американская фирма Arbor Networks, она же занимается распространением системы.

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

## Новые лазерные принтеры

Компания Canon объявила о выпуске новых принтеров серии Laser Shot. Модели Laser Shot LBP3000 (14 стр./мин) и Laser Shot LBP2900 (12 стр./мин) предназначены специально для пользователей малого или домашнего офиса.



В моделях LBP3000 (14 стр./мин) и LBP2900 (12 стр./мин) применена технология автоматического улучшения изображения Automatic Image Refinement (AIR), позволяющая увеличить разрешение 600х600 точек на дюйм до эквивалента 2400х600 точек на дюйм. Высокая скорость вывода первой страницы, которая составляет 9,3 секунды, и высокая скорость печати — 14 и 12 страниц в минуту соответственно — поддерживаются благодаря сочетанию усовершенствованной технологии печати Canon Advanced Printing Technology (CAPT), использованной в драйвере принтера, высокоскоростного соединения USB 2.0 и интеллектуальной технологии сжатия данных Smart Compression Architecture (ScoA).

Компания Canon объявила также о выпуске нового лазерного принтера для цветной печати Laser Shot LBP5200. Он обладает функцией высокоскоростной печати — 19 стр./мин в режиме чёрно-белой печати (время разогрева — 17,6 секунд при подготовке к чёрно-белой печати). Модель LBP5200 обеспечивает высокое качество профессиональной печати с разрешением, эквивалентным 9600х600 точек на дюйм, благодаря технологии улучшения изображения Image Refinement.

## Самый маленький и легкий ноутбук

Компания Dell анонсировала свой самый маленький и легкий ноутбук под названием Latitude X1. Его вес составляет около 1,1 кг. В ноутбук встроен процессор Pentium M 733 с частотой 1,1 ГГц с чипсетом Intel 915GMS. Пользователям доступна связь Wi-FiTM 802.11 b/g, Bluetooth 2.0+EDR, а также Gigabit Ethernet.



Дисплей устройства имеет диагональ 12,1 дюйма разрешением 1280х768 точек. Оперативная память DDR2, характеризующаяся частотой 400 МГц, обладает объемом 256 МБ, которая может расширяться до 1,28 ГБ. Ноутбук оборудован жестким диском емкостью 30 ГБ и 60 ГБ. Размеры новинки — 25х286х196,8 мм.

*По материалам Интернет*

SALOMATLIK — TUMAN BOYLIK

# Шифобахш неъматлар салтанатида



**Ер куррасида** юз мингларча ўсимликлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти тирик организм учун озуқа, дори-дармондир. Шифобахшлик хусусиятига эга бўлган ўсимликларни биз ҳамма ерда учратишимиз мумкин. Доривор гиёҳларнинг кўплари илмий ўрганилиб, тиббиётда кенг қўлланилмоқда. Улардан тиббий мақсадлар учун фойдаланиш борасида буюк табиб Абу Али ибн Синонинг хизматлари беҳиҳоя каттадир. У "Ал-Қонун" асарида 900га яқин ўсимликларнинг шифобахш хусусиятлари ва уларни ишлатиш йўллари тўғрисида маълумот келтиради. Шифокорларнинг сўзларига қараганда, табиат неъматларидан олинадиган дори-дармонлар кимёвий-сунъий йўл билан олинадиганларига нисбатан бир қатор афзалликлари билан ажралиб туради.

Ҳозир шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дори-дармонлар амалда кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда. Бугунги кунда руҳий хасталикларни даволашда доривор ўсимликларнинг 18 хилидан, саратонни даволашда — 7, қандли диабетда — 21, атеросклерозда — 25, ошқозон касалликларида — 10, қон босими касалликларида — 22 хилидан фойдаланилмоқда.

Сўнгги йилларда доривор гиёҳларга бўлган талаб кескин ошди. Бутун дунёда синтетик кимёвий дорилардан воз кечиб, тиббий гиёҳларга ўтиш рўй беряпти. Чунки синтетик йўл билан саноат асосида олинадиган дорилар ҳар доим ҳам касалга том маънода даво бўла олмаяпти. Улар айрим касалликларни даволагани ҳолда кўпгина янги хасталикларни ҳам келтириб чиқармоқда. Аллергия, наркомания, токсикомания, чақалоқларнинг мажруҳ, ногирон, майиб туғилишлари шулар жумласидандир. Бир сўз билан айтганда, табиатдан яралган инсон ундан узилиб яшай олмаслиги яна бир карра исботини топяпти.

Республикамиз ўсимликлар дунёси ниҳоятда бой ва улар ғоят ранг-барангдир. Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган ва ўстириладиган ўсимликлар сони 4150дан ортади. Шулардан 577таси шифобахш хусусиятга эга.

Ҳозирги кунда тиббиётда ишлатиладиган доривор воситаларнинг 45 фоизи ўсимликлардан олинади ва улардан тайёрланади. Баъзи қимматли доривор воситалар, масалан, юрак касалликларини даволашда қўлланиладиган гликозидлар шу вақтгача фақат ўсимликлардан олиб келинади. Табобатда катта аҳамиятга эга бўлган алкалоидлар, гликозидлар, флавоноидлар, кумаринлар, сапонинлар, эфир мойлари ва бошқа моддалар ҳам ўсимликлардан ажратиб олинади. Доривор ўсимликлардан яна турли шифобахш неъматлар ва витаминларга бой концентратлар (аралашмалар) тайёрланади.

***Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ***
***тайёрлади***

**Э Ъ Л О Н !**

**Тошкент ахборот технологиялари университети қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:**

***Катта ўқитувчилар:***



*Касбий педагогика — **2**,*
*Радиоалоқа қурилмалари — **1**.*

***Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.***

**Университет манзили:**
Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.
**Телефон: 138-64-06.**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси раисининг ўринбосари Майрам Холмуратовага опаси

**Раиса ХОЛМУРАТОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси Ижроия дирекцияси РЧДК раиси ўринбосари Майрам Холмуратовага опаси

**Раиса ХОЛМУРАТОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали жамоаси корхонанинг иқтисодий таҳлил ва истиқбол режаси бўлими бошлиғи Венера Шокировага онаси

**Ркия ШАРАФИЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

SPORT, SPORT, SPORT

***Ҳафтанинг сешанба ва чоршанба кунлари Европа футбол майдонларида чемпионлар лигаси чорак финал учрашувларининг жавоб ўйинлари ўтказилди. Биринчи кунги жуфтликлар баҳсида кейинги босқичга кўпчилик томонидан тахмин қилинган жамоалар йўл олишди. Кимнинг имконияти яхши баҳоланган бўлса, ўша жамоа ярим финал иштирокчисига айланди. Учрашувлар эса ўта муросасиз тарзда ўтди.***

# Ярим финалчилар маълум

**Бир ҳафта** олдин Англияга сафар уюштирган мюнхенликлар учрашувнинг ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларида Михаил Баллакнинг 11 метрлик жарима тўпи эвазига ҳисобнинг 4:2 бўлишини таъминлашганди. Айнан сўнгги гол германиялик мухлислар кўнглида умид чироқларини ёққан эди. Уларнинг суюклилари ўз майдонларида "Челси"ни 2:0 ҳисобида доғда қолдирса, ярим финал дарвозалари очиларди. Ушбу баҳсдан олдин "Бавария" жамоаси сардори, дарвозабон Оливер Кан ҳам бу кун тўп ўтказиб юбормасликка ваъда берганди. Аммо... Каннинг режаларини лондонликларнинг ишонган ўйинчиси Фрэнк Лемпард чиппакка чиқарди. У томонидан ҳисобнинг очилиши "Бавария"ни янада қийин аҳволга солиб қўйди. Энди мюнхенликлар рақиблар дарвозасига жавобсиз учта тўп киритиши талаб этиларди. Учрашувнинг 65-дақиқасида Пизарро ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди ва шундан сўнг майдон эгалари "Челси" дарвозаси олдида кетма-кет ҳужумлар уюштира бошлашди. Стадионга йиғилган мухлислар кўнглида яна умид шамчироқлари ёнди. Бироқ қарши ҳужумдан унумли фойдаланган "Челси" жамоаси Дрогбанинг бош билан йўллаган ажойиб зарбасидан сўнг ҳисобда яна олдинга чиқиб олди. Ушбу голдан ранжиган германиялик футбол мухлислари бирин-кетин «Олимпиаштадион»ни тарк эта бошлашди. Аммо улар хато қилишганди. Тўғри, "Бавария" кейинги босқичга чиқа олмади. Лекин инсоф юзасидан айтиш лозимки, мюнхенликлар учрашувнинг сўнгги ўн дақиқасида фантастик ўйин намойиш этишди. Улар бекорга "Немис машинаси" ибораси жаҳон футболига кириб келмаганини исботлашди. Кетма-кет ҳужумлар Герреро ва Меҳмет Шолларнинг голлари билан якунланди. Шундай қилиб, «Олимпиаштадион»да "Бавария" "Челси" устидан ғалаба қозонди, лекин бу уларни ярим финалга олиб чиқолмади.

***"Бавария" – "Челси" – 3:2. Биринчи учрашув – 2:4.***

Иккинчи учрашувда "Интер" жамоаси "Милан"ни қабул қилди. Италиянинг Милан шаҳри шарафини ҳимоя қиладиган бу икки жамоанинг баҳслари ҳар доим шиддатли кўриниш олади. Дербининг биринчи учрашувида "Милан" жамоаси Яп Стам ва Андрей Шевченколарнинг голлари эвазига 2:0 ҳисобида ғолиб бўлган эди. Шунинг учун ҳам "Интер" жамоасидан уч тўп фарқи билан ғалаба қозониш талаб этиларди. Аммо бу учрашувда ҳам омад умумий ҳисобда олдинда бораётган жамоага кулиб боқди. Европанинг энг яхши футболчиси Андрей Шевченко яна ўзини кўрсатди. Унинг 20 метрлардан берган зарбасини Толдо бартараф эта олмади.

Иккинчи бўлимда "Интер" ярим ҳимоячиси Камбяссо "Милан" дарвозасига тўп киритди. Бироқ учрашув ҳаками Маркус Мерк ушбу голни инобатга олмади. Ҳаммаси шундан сўнг бошланди. Ғазабланган футбол фанатлари улоқтирган петардалар, тутун чиқарувчи моддалар Дида дарвозаси олдига келиб туша бошлади. Улардан бири "Милан" дарвозабонининг елкасига тегиб "портлади". Учрашув ярим соатча тўхтатиб турилди. Жароҳат олган Дида ўрнига майдонга Абятти туширилди. Ўйин бошланиб улгурмасданоқ, яна майдонга турли буюмлар ёғилди. Маркус Мерк ўйинни бутунлай тўхтатишга қарор қилди. "Милан" — ярим финалда.

***"Интер" – "Милан" – 0:1. Биринчи учрашув – 0:2.***

Чоршанба кунги учрашувлар бир кун олдинги баҳслардан фарқли ўлароқ, бироз зерикарли ўтди. Англиянинг "Ливерпул" жамоасини қабул қилган туринликлар қанча ҳаракат қилишмасин, тўп кирита олишмади. Дуранг натижа инглизларни қониқтиргани сабабли улар асосий эътиборни ҳимояга қаратишди. Натижада дарвозалар ишғол этилмади ва "Ливерпул" жамоаси биринчи ўйинда ўз майдонида қайд этган 2:1 ҳисобидаги ғалабасидан сўнг ярим финалга йўл олди.

***"Ювентус" – "Ливерпул" – 0:0. Биринчи учрашув – 1:2.***

Бир ҳафта олдин дуранг натижа билан якун топган "Лион" ва "Эйндховен" учрашуви барча масала кейинги баҳсда ҳал этилишини кўрсатган эди. Голландияда кечган учрашув ушбу жамоаларнинг кучи тенг эканлигини яна бир бор исботлади. Французлардан Вилторднинг 10-дақиқада ва "Эйндховен" вакили Алекснинг 50-дақиқада киритган тўплари учрашувнинг яна 1:1 ҳисоби билан якунланишини таъминлади. Ҳакам томонидан қўшиб берилган 30 дақиқада ҳам дарвозалар ишғол этилмади. Шундан сўнг пеналти белгиланди. Футболдаги "лотерея" баҳсида омад "Эйндховен" жамоасига кулиб боқди.

***"Эйндховен" - "Лион" – 1:1 (пен. бўй. 4:2). Биринчи учрашув – 1:1.***

Демак, Европа чемпионлар лигасининг ярим финалида қуйидаги жамоалар баҳс юритишади:

***"Челси" – "Ливерпул"***
***"Милан" — "Эйндховен".***

***Лутфилло ТУРСУНОВ***

**ОАО СП «УЗМАКОМ»**
**ИНФОРМИРУЕТ ВСЕХ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ ЛИЦ ОБ УСЛОВИЯХ ПРЕДСТОЯЩЕГО ВЫПУСКА АКЦИЙ**

**Условия предстоящего выпуска акций в обращение:**

*а)* вид и форма акций выпуска — ***простая именная в безналичной форме;***

*б)* количество акций выпуска — ***7 499 326 шт;***

*в)* номинальная стоимость акции выпуска— ***1000 сум;***

*г)* общий объем выпуска (по номинальной стоимости)— ***7 499 326 000 сум;***

*д)* права, предоставляемые каждой акции выпуска, — ***каждая акции имеет право одного голоса, всем акциям предоставлены равные права;***

*е)* способ размещения акций — ***среди учредителей пропорционально их долям в уставном фонде;***

*ж)* срок и порядок размещения акций — ***в течение года со дня регистрации компании;***

*з)* предполагаемая цена размещения акций — ***учитывая, что общество преобразовано из ООО в ОАО, акции размещены пропорционально вкладам в Уставный фонд;***

*и)* условия и порядок оплаты акций, в том числе форма расчетов, банковские счета, на которые должны перечисляться средства в оплату акций — ***акции оплачены не денежными средствами;***

*к)* орган эмитента, принявший решение о выпуске акций и дата принятия — ***Общее Собрание Учредителей, протокол от 14.01.2005 года.***

*л)* любые ограничения на эмиссию акций, установленные в уставе эмитента, ограничения в отношении возможных приобретателей размещаемых акций — ***уставом общества ограничения не предусмотрены.***

*м)* налогообложение получаемого инвестором дохода по приобретенным акциям — ***определяется действующим законодательством Республики Узбекистан.***

***Подробно ознакомиться с проспектом эмиссии можно в офисе компании, расположенном по адресу: г. Ташкент, проспект Дружбы Народов 8. Телефон: 173-00-15***

TURMUSH CHORRAHALARIDA



# Туҳмат балосидан асрасин!

**Туҳмат.** Унга ишониш орқали қанча-қанча дўстлик иплари узилган, жуда кўп оилаларда ажралишлар бўлган.

Моможоним доимо дуога қўл очганларида, «Илоё, сув балосидан, ўт балосидан, туҳмат балосидан Аллоҳнинг ўзи асрасин», дея омин қилардилар. Ўшанда бу гапларнинг мағзини кўп ҳам тушуниб етмасдим. Энди билсам, бу учта бало — ҳақиқий офат бўларкан.

Туҳматдан жабр чеккан бир аёл бошидан ўтганларини менга айтиб берди. Мен уни кўпчиликка сабоқ бўлсин дея қоғозга туширдим.

...Тўнғич фарзандим Акбарнинг ҳарбий хизматдан қайтишини барчамиз интиқлик билан кутаётгандик. Болагинамнинг ўрни роса билинди. Бир неча бор ҳарбий қисмга бориб, уни кўриб келдик. Барибир онанинг юраги тинчимас экан. Эшик тиқ этса, югуриб борадиган одат чиқардим. Бунга дадаси куларди:

— Хайринисо, ўғлинг келганда сен уйда бўлмасанг, нима бўлади?

— Энди ҳеч қаерга чиқмайман. Болагинамнинг келиши яқин. Ўзиям йигитмисан, йигит бўлганда. Бўйлари ўсганини айтмайсизми.

— Мақта-я, мақта, хотин. Гўёки, бу дунёда сенинг ўғлингдан бошқа йигит йўқдек.

— Ҳа, энди ким ўз боласини ёмон дейди?..

Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Югуриб бориб очдим, остонада болажоним турарди. Хурсандлигимдан бир зум қотиб қолдим, кейин уни қучиб йиғладим. Дадаси мени койиди:

— Сени ҳеч тушуна олмадимда, хафа бўлсанг ҳам йиғлайсан, хурсанд бўлсанг ҳам. Ундан кўра, ўғлингни ичкарига кирит. Мен ҳам бир кўришай. Қани, аскар!

Ота-бола қучоқлашишди. Бир оз ҳазиллашишди. Дарҳол ўғлимнинг келганини эшитган қўшнилар бирин-кетин уни кўргани кела бошлашди. Кечгача меҳмон кутиш билан овора бўлдим. Эртаси куниёқ «Аскар тўй» қилиб бердик. Ҳамма қариндошларни айтдик. Ўғлимга қараб, сираям тўймайман. Хизмат унга ёқибди. Бирам эпчил, бирам чаққон. Ҳамма ишларни ўзи бажаради. Синглиси Сабрияни эркалатгани-эркалатган. Орадан бирон ҳафта ўтгач, уни уйлантириш тўғрисида дадаси билан маслаҳатлашдик...

Уч аёл бўлиб, қўшни кўчадаги Шодиёр ўқитувчининг қизига совчиликка бордик. Чунки ўғлим ўша муаллимнинг қизини ёқтираркан. Улар бизни жуда яхши кутиб олишди. Учинчи маротаба борганимизда нон синдириб келдик. Энди қувончли ташвишлар кўпайгандан кўпайди. Бир куни бозордан тўйнинг кам-кўстини қилиб келаётсам, якка-ю ягона қизимни қўшнимиз Жаннат турткилаётган экан.

— Вой қўшни, нима гап?

— Нима гап эмиш? Қизингиздан сўранг. Жудаям талтайтириб юборгансиз. Қизим Ақиқанинг қўғирчоғини олиб қочибди.

— Шунга шунчами, қўшни. Уялмайсизми, болаларнинг ўртасига тушгани! Қизимдан ўтган бўлса, минг бор узр. Ахир бола-да. Бир оздан сўнг яна ўйнаб кетаверишади.

— Боламиш-а, бошга битган бало-ку бунингиз! Яна ёнини оласиз. Ундан кўра яхшироқ тарбия беринг!

— Сиздан қанақа тарбия беришни ҳеч ким сўраётгани йўқ! – дея шу пайт ортимдан етиб келган ўғлим Акбар гапга аралашди. – Аввал қизингизга тарбия берволинг. Бошқаларнинг ишига бурнингизни суқманг!

— Ўчир, мишиқи! Кечагина келволиб, бугун менга ақл ўргатяпсанми? Ўзи ҳамманг бир гўрсан-да!

— Ўчиринг овозингизни, бўлмаса ёмон бўлади!

— Нима қиласан, урасанми? Ур! Ур, зўравон! Бир кучингни кўрай!

Жаннат шаллақилик йўлига ўтволди. Боламни олдинга ўтказиб, уйга киришга ундадим. Ортимиздан Жаннат етиб келди. Ўғлимни ёқасига ёпишиб, ҳадеб «Ур! Уроласанми!», дея бақирарди.

Зўрға уйга кирдик. Акбар хонасига ўтди. Ортидан Жаннат ҳам борди. Ўғлим эшигини бекитганди, Жаннат эшигимиз ойнасини уриб синдирди. Қўли қонаб кетди. Баттар жазаваси тутди:

— Энди сени умрингни қамоқда чиритаман! Вой-дод, қўшнилар, ёрдам беринглар! Манави имонсиз мени мажбурламоқчи бўлди! Вой-дод!

Бу туҳматдан ёқамни ушладим. Ўғлимнинг жаҳли чиқиб кетди, хонасидан отилиб чиққанди, зўрға ушлаб қолдим:

— Аҳмоқ билан тенглашма, ўғлим. У бир жинни аёл бўлса. Эътибор берма!

Жаннат кўчамизда ўзининг шаллақилиги билан танилиб қолган, уришмаган одами йўқ эди. Шунинг учун мен у билан баҳслашмай қўяқолдим. Кечқурун ҳаммамиз овқатланиб ўтирувдик, эшик тақиллаб қолди. Қизим бориб эшикни очди. Нотаниш овозлар эшитилди. Ўрнимдан туриб, остонада милиция кийимидагиларни кўриб қотиб қолдим. Улар туман прокурорига тушган ариза бўйича келишибди. Жаннат ўғлимнинг устидан арз қилиб, экспертизадан ўтибди. Бу гапдан дадаси ҳам ҳайрон. Улар биргалашиб чиқиб кетишди. Мен эса йиғлайман, Жаннатни қарғайман. Орадан анча вақт ўтгач, дадаси битта ўзи қайтиб келди.

— Ўғлим қани? Қаерда қолди?

— Уни олиб қолишди. Сўроқ қилишармиш...

Шундай қилиб, ўғлим қуруқ туҳматнинг ортидан етти ой ўтирди. Йиғлайвериб, кўзимда ёш ҳам қолмади, бормаган жойим ҳам... Қўшнилар, маҳалла фаоллари йиғилишиб, прокурор номига ариза ёзишди. Ҳаттоки, ўн нафар аёл мени ҳам қўярда-қўймай прокурор ҳузурига олиб боришди. Аммо бизни тинглашмади. Аризани олиб қолишди, холос.

Тўйга деб йиғиб қўйган пулларимизни Жаннатга бермоқчи ҳам бўлдим. Бироқ синглим Муҳайё бунга унамади. Кўп ўтмай суд бўлди. Ўғлим қораланди. Болам бечора менга мўлтираб турарди. Дод солиб, ҳушимдан кетдим. Бир маҳал кўзимни очсам, шифохонадаман. Тепамда дадаси ўтирибди:

— Аяси, ўзингга келдингми? Хафа бўлма! Адвокат ёрдам бераман деяпти.

— Мен нима қиламан? Ўғлим қоронғу жойда ўтирса, менга бу ҳаёт татирмиди? Энди қандай яшайман? Ундан кўра мени қамаб қўйишсин, мени!

— Қўй, хотин! Ўзингни бос. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Бу кўргиликлар ҳолва экан. Шифохонадан қайтганимдан сўнг бўлажак қудаларимиз биз берган нарсаларни қайтариб, ташлаб кетишди. "Тарбиясиз" ўғлимга қизларини беришмасмиш. Яна касал бўлиб қолдим. Бу гал дадасининг ҳам қон босими кўтарилиб кетиб, бизни роса қўрқитди. Хайрият, дўхтирларнинг ёрдами билан анча тузалиб қолди.

Мен уйдан чиқмай қўйдим. Ишга ҳам бормайман. Кўзимга ҳеч нарса кўринмайди. Адвокатимиз ариза ёздириб, судни бошқа туманга кўчирибди. Яна қайтадан тергов ишлари олиб борилди. Ярим йилдан сўнг суд бўлди. Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди, деганлари рост экан. Ҳақ гап қарор топди. Ўғлим оқланди. Туҳмат қилган Жаннатнинг ўзи қамаладиган бўлди. Оиласини маҳалламиздан кўчиришга қарор қилишди. Болагинам ёнимга қайтди. Мен ёшгина бўлиб юрак касалига, дадаси эса қон босими хасталигига чалиндик. «Сув тоғни емиради, туҳмат одамни», дея бежизга айтишмас экан. Туҳматчи қилган туҳмати билан ўзига чоҳ қазиди.

Раҳматли Қудрат момом «Туҳмат тош ёради, тош ёрмаса – бош ёради», деб кўп айтардилар. Бу гапларида жон бор экан. Шунинг учун бу беш кунлик дунёда бир-биримизни авайлаб, қадримизга етиб яшайлик...

***Хонбиби ҲИММАТ қизи***

BU — QIZIQ!

## ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

***Ҳужжатларда ёзилишича, энг кичик от** АҚШнинг Жанубий Каролина штатидаги "Делла Терра" фермасига қарашли бўлган. Литтл Пампкин лақабли бу отнинг бўйи 35,5 сантиметр, оғирлиги эса атиги 9 килограммни ташкил этган.*

**Энг қари от** XIX асрда Буюк Британиянинг Ланкашир графлигида яшаган Эдвард Робинсонга қарашли эди. Унинг Олд Билли номли оти 62 йил яшаган.

***Энг оғир вазнли сигир** — Маунт Катадин голштин ва дурҳам зотлари дурагайи бўлиб, 2270 килограмм тош босган. Унинг яғринига қадар баландлиги 1,88 метрни, танасининг айланаси 3,96 метрни ташкил қилган. Сигир 1923 йили фермадаги ёнғин натижасида нобуд бўлган.*

Бир мавсум (365 кун) давомида **энг кўп сут** (26963 килограмм) Англиянинг Нортгемптоншир графлигида яшовчи Брайс Миллерга қарашли Акме Голди-2 лақабли фриз зотли сигирдан соғиб олинган.

*Стрэтфорд Уиспер лақабли суффолк зотига мансуб қўй **энг салмоқдор ҳисобланади**. Орегон (АҚШ)лик Жозеф ва Сюзен Шалбергерларга қарашли бу жониворнинг оғирлиги 247,2 килограммдир.*

**Энг кичик қўй** зотлари эса Францияга қарашли Уэсан оролида яшайди. Уларнинг бўйи 45-50 сантиметр, оғирлиги 13-16 килограммни ташкил қилади.

***Энг йирик эчки** британиялик Пат Робинсонга тегишли бўлган. Заанен зотига мансуб бу эчкининг вазни 181,4 килограммни, яғринига қадар баландлиги 111,7 сантиметр, узунлиги эса 167,6 сантиметрни ташкил этган. Бу эчки тўрт йил яшаган.*

Австралиянинг Квинсленд штатида истиқомат қилувчи Роналд Олдрижнинг хўрози **энг йирик хўроз** сифатида қайд этилган. Биг Сноу лақабли бу хўрознинг оғирлиги 10,51 килограмм, кўкрак қисми айланаси 84 сантиметр, танасининг ердан баландлиги 43,2 сантиметр бўлган.

*Оқ леггорн зотли товуқ **364 кунда 371 дона тухум** қўйиб бу борада ўзига хос рекорд ўрнатган.*

**Энг оғир курка** Буюк Британиянинг Кембрижшир графлигида яшовчи Филипп Кукка тегишлидир. Тайсон лақабли бу курка 39,09 килограмм тош босган.

XANDALAR

# *Шер ҳам огоҳлантирилганми?..*



Ёзувчи бир базмда атрофидаги қизларга тушунтирарди:

— Охирги китобимни ёзиш учун тўрт йил сарфладим — уч йил материал тўпладим, бир йил ўтириб ёздим.

Қизлардан бири унга ачиниб деди:

— Вой худойим-ей, бир китоб учун тўрт йил. Нима, шунча қийналиб ўтиргунча, янги китоб сотиб олишга икки минг сўм тополмадингизми?

***

Хизматкор:

— Жаноб айтдиларки, у киши уйда йўқлар.

Жаноб Браун:

— Жуда яхши! Унга айтинг, мен ҳам келганим йўқ .

***



Кинорежиссёр актёрга деди:

— Шер сизни эллик метрга қувиб боради. Ораларингиздаги масофа икки-уч метрдан ошмаслиги керак. Тушундингизми?

— Ҳа, — жавоб берди актёр. — Ишонаманки, шер ҳам шундай огоҳлантирилган.

***

— Бир оз сабр қилинг, ҳозир бош қашишга вақтим йўқ,— деди ишбоши.

— Кечирасиз, мен бош қашлашга эмас, бошқа юмуш билан келувдим, — деди қабулга келган киши.

***

Эр хотинига деди:

— Сен садақа берган гадой муғамбир эмас, ростдан ҳам сўқир, ҳеч нарсани кўрмас экан.

— Нега бундай деб ўйлайсан?

— Чунки у сенга: "Раҳмат, гўзал!" — деди.

МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — ❶.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
**E-mail:** *orif@infonet.uz.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

358-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 7615 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А.БЎРИЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топшириш вақти — 20.00.